# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 38642,9 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 108,0 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,1 фоизни ташкил қилди.

**Январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

| | *млрд.сўм* | | *2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2016 йил* | *2017 йил* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **32195,4** | **38642,9** | **108,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 28413,2 | 34373,6 | 108,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 3782,2 | 4269,3 | 106,9 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **28413,2** | **34373,6** | **108,1** |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 11242,6 | 13602,4 | 107,6 |
| саноат | 9171,4 | 11056,3 | 106,9 |
| қурилиш | 2071,1 | 2546,1 | 110,9 |
| Хизматлар | 17170,6 | 20771,2 | 108,4 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 5244,6 | 6394,6 | 104,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 4464,6 | 5471,3 | 115,0 |
| бошқа хизматлар | 7461,4 | 8906,3 | 107,3 |

**Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*







2017 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрининг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (32,2%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (18,6%), қурилиш (7,4%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 59,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрда 62,4 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 60,4 фоиз (2016 йил январь-декабрда 60,4 фоиз)ни ташкил қилди.